

**“O‘zagrolizing” акциядорлик жамияти акциядорларининг  
йиллик умумий йиғилиши  
БАЁНИ**

**2025 йил 12 июнь**

**№ 04/2025**

**Тошкент шаҳри**

Жамият акциядорларининг Умумий йиғилиши ўтказилган жой: Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Бобур кўчаси, 42А-уй жамият биносининг мажлислар зали.

Санаси ва вақти: 12 июнь 2025 йил, соат 10:00.

Йиғилишга раислик қилди: М.Шарипова – “O‘zagrolizing” акциядорлик жамияти кузатув кенгаши аъзоси.

Жамиятнинг молиявий йил яқунланиши муносабати билан акциядорларнинг навбатдаги йиллик умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги жамият кузатув кенгашининг 2025 йил 19 майдаги 347-сонли қарори акциядорларнинг умумий йиғилиш қатнашчилари эътиборига етказилган.

Жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими бошлиғи А.Норбоев сўзга чиқиб, бугунги жамият акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши раёсати ва котибини сайлаш тўғрисида таклиф киритди ва овозга қўйилди.

Бир овоздан М.Шарипова - умумий йиғилиш раиси, А.Эргашев ва Ж.Ибрагимов умумий йиғилиш раёсати аъзолари, Б.Валиев йиғилиш котиби этиб сайландилар.

**КУН ТАРТИБИ:**

1. Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. Акциядорлар умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.
3. Жамиятнинг 2024 йил молия-хўжалик фаолияти натижалари бўйича ҳамда жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чоратadbирлар тўғрисидаги Бошқарув раисининг ҳисоботини тасдиқлаш.
4. Жамият Кузатув кенгашининг 2024 йилдаги фаолияти бўйича кузатув кенгаши раисининг ҳисоботини тасдиқлаш.
5. Жамиятнинг 2024 йил фаолияти натижалари бўйича ташқи аудиторлик ташкилотининг хулосасини эшитиш ва тасдиқлаш.
6. Жамиятнинг 2024 йил учун йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.
7. Жамиятнинг 2024 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш. Дивидендлар миқдорини, уни тўлаш шакли, муддати ва тартибини белгилаш.
8. Жамиятда ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини эшитиш.
9. Жамият томонидан мазкур жамиятнинг аффилиланган шахслари билан келгусида тузиладиган битимларини тасдиқлаш.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 февралдаги ПҚ-67-сонли қарори доирасида тузиладиган йирик битимларни тасдиқлаш.
11. “O‘zagrolizing” акциядорлик жамияти Устави янги таҳририни тасдиқлаш.
12. “O‘zagrolizing” акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низомни янги таҳририни тасдиқлаш.
13. “O‘zagrolizing” акциядорлик жамияти ижроия органи – Бошқарув тўғрисидаги Низомни янги таҳририни тасдиқлаш.

Кун тартибидаги масалалар бўйича қуйидаги ҳисобот ва ахборотлар эшитилди:

## **1. Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.**

Умумий йиғилиш раиси М.Шарипова сўзга чиқиб, жамият кузатув кенгашининг 2025 йил 19 майдаги 347-сонли қарорига асосан Санок комиссияси 3 кишидан, яъни Қурбонбоев Дилшод Мақсудбекович, Мирсаидова Манзура Муроджон қизи ҳамда Абдукаримов Абдулла Абдумавлоновичлардан иборат этиб тузишни ва мазкур таркибдаги номзодларни тасдиқлаш учун умумий йиғилишга таклиф киритилганлигини маълум қилди.

Умумий йиғилиш Раиси томонидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш йўли билан сўралди.

Мазкур комиссиянинг Санок комиссияси раиси этиб Д.Қурбонбоев сайланганлиги тўғрисидаги 2025 йил 12 июндаги 1-сонли баённомаси умумий йиғилиш томонидан маълумот учун қабул қилинди.

Санок комиссияси томонидан умумий йиғилишда жамиятнинг **397 567705** дона овоз берувчи акциялари эгаси бўлган **3 та** акциядори ва уларнинг вакиллари қатнашаётганлиги ҳамда жамиятнинг овоз берувчи оддий акциялари эгаси бўлган акциядорлар эгаллик қилган овозлар умумий сони (401 088 086 дона)нинг **99,1** фоизини ташкил этиши маълум қилинди.

Умумий йиғилиш томонидан Санок комиссиясининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 68-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, Умумий йиғилиш кворуми борлиги тўғрисидаги 2025 йил 12 июндаги 2-сонли баённомаси маълумот учун қабул қилинди ва жамият акциядорларининг йиллик Умумий йиғилиши очик деб эълон қилинди.

## **2. Акциядорлар умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.**

Умумий йиғилиш раиси М.Шарипова кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқиш учун қуйидагича вақт белгиланишини таклиф этди:

Кун тартибидаги масалалари бўйича сўзга чиқувчилар учун - ҳар бирига 5 дақиқадан;

музокарага чиқувчилар учун - ҳар бирига 5 дақиқадан;

овоз бериш натижаларини ҳисоблаб чиқиш ва эълон қилишга - 10 дақиқа;

Умумий йиғилиш қарорини ўқиб эшиттириш ва қабул қилишга - 10 дақиқа.

Умумий йиғилиш раиси томонидан мажлис иштирокчиларидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш йўли билан ўз муносабатларини билдириш сўралди.

## **3. Жамиятнинг 2024 йил молия-хўжалик фаолияти натижалари бўйича ҳамда жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги Бошқарув раисининг ҳисоботини тасдиқлаш.**

Мазкур масалада “O’zagrolizing” акциядорлик жамияти Бошқарув раиси ўринбосари А.Насирдинов маъруза қилди ва қуйидагиларни айтиб ўтди.

“O’zagrolizing” акциядорлик жамияти томонидан 2024 йилда республика қишлоқ хўжалигига умумий қиймати 2 896,3 млрд. сўм бўлган 7 939 дона қишлоқ хўжалик техникалари лизингга етказиб берилди.

Ҳисобот йилида 1 299,6 млрд. сўмлик 351 та дона пахта териш машиналари, 315,8 млрд. сўмлик 142 дона ғалла ўриш комбайнлари, 1 013,3 млрд. сўмлик 1 783 дона тракторлар, 320,1 млрд. сўмлик 5 663 дона бошқа техника ва агрегатлар лизинг асосида етказиб берилди.

2024 йил бошидан машинасозлик корхоналарига 2 896,3 млрд. сўмлик тўловлар амалга оширилди.

Дебитор қарздорликни ундириш мақсадида 2024 йил давомида иқтисодий

судларга жами 1 761 млрд. сўмлик даъво аризалари киритилган. Шундан, 2025 йил 1 январь ҳолатига 139,7 млрд. сўм қарздорликни ундириш бўйича жамият фойдасига ҳал қилув қарорлари чиқарилишига эришилган. Шунингдек, 21,7 млрд. сўм миқдоридagi қарздорлик суд қарори қабул қилингунга қадар ундирилган.

2024 йилда 17,0 млрд. сўм соф фойда олиш режалаштирилган бўлиб, ҳақиқатда 20,1 млрд. сўмни ёки “Бизнес-режа”га нисбатан 118,2 фоизга кўп бажарилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 20 февралда “Қишлоқ хўжалиги техникаларини харид қилишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-78-сон қарорига асосан 2024 йилда қишлоқ хўжалиги техникалари хариди учун жами 235,5 млн. долл. ўзлаштирилди: Шундан,

- 74 млн. долл. – Жаҳон банки маблағлари;
- 91,7 млн. долл. – Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари;
- 64 млн. долл. – Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги маблағлари;
- 5,8 млн. долл. – Тижорат банки маблағлари.

2024 йилда 756,3 млрд. сўмлик лизинг тўловлари келиб тушди, ушбу маблағлар жамият олдидagi жорий мажбурият тўловларини амалга оширишга ҳамда лизинг лойиҳаларини молиялаштириш учун йўналтирилди.

2025 йилнинг 1 январь ҳолатига лизинг портфели 3 трлн. 533 млрд. сўмни ташкил этди. Ўтган йилнинг мос даврида эса бу кўрсаткич 1 трлн. 527 млрд. сўмни ташкил этиб, 2 трлн. 5 млрд. сўмга ўсди, ёки 2,3 баробарга ортди.

2025 йилдаги режалар қуйидагилардан иборат этиб белгилаб олинган.

- “Қишлоқ хўжалигини механизациялаш даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-431-сон қарорига асосан 2025 йилда қишлоқ хўжалиги техникаси харидини молиялаштириш учун аввал халқаро молия ташкилотларидан жалб қилинган ва ҳозирда фойдаланилмасдан турган жами 118,5 млн. долл. маблағни ўзлаштириш;

- 2025 йилда харид қилинадиган пахта териш машиналари, лазерли ер текислагичлар, аниқ доналаб экувчи кўп функцияли чигит экиш сеялкаларини харид қиладиган талабгорлар рўйхатини шакллантириш, етказиб берувчилар билан шартномалар тузиш ва бўнак маблағларини шакллантириш;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-67-сон қарорига асосан Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари томонидан “Ўзагролизинг” АЖга ажратилган 100 миллион АҚШ доллари миқдоридagi қарз маблағларининг 50 миллион АҚШ долларини “Ўзагролизинг” АЖнинг устав капиталини оширишга қайта йўналтириш ва 50 миллион АҚШ долларини субординар қарз сифатида қайта расмийлаштирилишини таъминлаш;

- жорий йилда 800 дона завонвайи пахта териш машиналари лизинг асосида етказиб берилишини таъминлаш.

Давлат активларини бошқариш агентлиги вакили А.Эргашев сўзга олиб, бугунги кунда Бошқарув томонидан жамиятнинг дебиторлик ва кредиторлик қарздорликларини камайтириш, тўлов интизомига қатъий риоя қилиши ва молиявий аҳволини яхшилаш учун чораларини кўриш шунингдек, лизинг портфелини классификация қилиш учун Кузатув кенгаши томонидан Низом тасдиқлаш лозимлигини билдирди.

Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси вакили Ж.Ибрагимов эса, жамиятнинг узок йилга мўлжалланган стратегиясини қайта кўриб чиқишни таклиф этди.

Умумий йиғилиш раиси томонидан мажлис иштирокчиларидан мазкур масала

бўйича бюллетенда овоз бериш йўли билан ўз муносабатларини билдириш сўралди.

#### **4. Жамият Кузатув кенгашининг 2024 йилдаги фаолияти бўйича кузатув кенгаши раисининг ҳисоботини тасдиқлаш.**

“O‘zagrolizing” АЖ ҳукуматимиз томонидан юклатилган вазифалардан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалиги корхоналарига лизинг асосида юқори унумли ва замонавий қишлоқ хўжалик техникалари ва агрегатларини етказиб берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида асосан акциядорлик жамиятларига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини тубдан ошириш, бўлажак инвесторлар учун уларнинг очиқлиги ва жозибadorлигини таъминлаш, замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий қилиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорлар ролини кучайтириш учун қулай шарт-шароитларни яратиб беришга имконият беради.

Бунда кўзланган асосий мақсад, акциядорлик жамияти шаклидаги корхоналарда сифатли, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш, уларни экспорт қилишнинг асосий мезони бўлган замонавий бошқарувни йўлга қўйиш, бу жараёнда салоҳиятли хорижий менежерларнинг илғор тажрибасидан фойдаланишга қаратилди.

Ҳисобот даврида корпоратив бошқарув талабларидан келиб чиқиб, кузатув кенгаши жамият ижроия органи билан ҳамкорликда белгиланган йўналишлар бўйича ишлар олиб борди.

2024 йил мобайнида бир марта навбатдаги ва тўрт марта навбатдан ташқари Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилди.

Кузатув кенгашининг тегишлича 13 та қарорлари қабул қилинди.

Кузатув кенгаши мажлисларида жамият Бошқарув раиси ва ички аудит хизматининг жамият молиявий-хўжалик фаолиятининг чорак ва йил яқунлари бўйича ҳисоботлари мунтазам эшитилиб, муҳокама натижасига кўра, кузатув кенгашининг тегишлича тавсия ва кўрсатмалари бериб борилди.

Умумий йиғилиш раиси томонидан мажлис иштирокчиларидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш йўли билан ўз муносабатларини билдириш сўралди.

#### **5. Жамиятнинг 2024 йил фаолияти натижалари бўйича ташқи аудиторлик ташкилотининг хулосасини эшитиш ва тасдиқлаш.**

Жамиятнинг 2024 йил молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари бўйича “НЛВ Tashkent” МЧЖ томонидан 2025 йил 7 майда берилган ижобий аудиторлик хулосаси Ш.Умаров томонидан ўқиб эшиттирилди (*аудитор хулосаси илова қилинмоқда*). Жамият акциядорлари томонидан ташқи аудиторга жамиятни тақсимланмаган фойдаси бўйича саволлар берилди ва муҳокама қилинди.

Давлат активларини бошқариш агентлиги вакили аудит хулосасидан келиб чиқиб, чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши лозимлигини билдирди.

Умумий йиғилиш раиси томонидан мажлис иштирокчиларидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш йўли билан ўз муносабатларини билдириш сўралди.

#### **6. Жамиятнинг 2024 йил учун йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.**

Жамият Бош бухгалтери Ш.Қодирова сўзга чиқди ва “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 102-моддасига асосан, жамиятнинг йиллик ҳисоботи акциядорларнинг йиллик

умумий йиғилиши томонидан тасдиқланиши лозимлигини таъкидлаб ўтди. Жамиятнинг йиллик ҳисоботи жамиятнинг кузатув кенгашининг 2025 йил 19 майдаги мажлиси томонидан дастлабки тарзда тасдиқланганлигини маълум қилди.

Жамият бош бухгалтери Ш.Қодирова жамиятнинг 2024 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботини умумий йиғилиш қатнашчилари эътиборига етказди (*жамиятнинг 2024 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботи илова қилинмоқда*).

Давлат активларини бошқариш агентлиги вакили А.Эргашев, 2024 йилда ўтган 2023 йилга нисбатан дебитор ва кредиторлик қарздорликларни ўсиши билан қизиқди ва унинг саволларига жавоб берилди.

Шундан сўнг, молиявий-иқтисодий таҳлил бўлими бошлиғи Э.Қурбонов жамият 2024 йилни соф фойда режа кўрсаткичи 118,2 фоизга бажарилгани муносабати билан ижроия органи бошқарув аъзолари ҳамда акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими ходимларини жорий харажатлар ҳисобидан меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорини 20 баробари доирасида бир маротабалик мукофотлашни таклиф этди.

Умумий йиғилиш раиси томонидан мажлис иштирокчиларидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш йўли билан ўз муносабатларини билдиришни сўралди.

#### **7. Жамиятнинг 2024 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш. Дивидендлар миқдорини, уни тўлаш шакли, муддати ва тартибини белгилаш.**

Жамият бошқарув аъзоси, Молиявий-иқтисодий таҳлил бошқармаси бошлиғи Э. Қурбонов томонидан кузатув кенгашининг 2025 йил 19 майдаги 347-сонли баёни қарорига мувофиқ, жамиятнинг 2024 йил якуни бўйича олинган 20 063 684 352,87 сўм соф фойдасини қуйидагича тақсимлаш тавсия этилган:

- Захира фондига – 1 003 184 217,64 сўм;
- Овоз берувчи оддий акцияларга дивиденд учун – 10 167 582 980,1 сўм;
- Имтиёзли акцияларга дивиденд учун – 12 675 000,0 сўм;
- “О‘zagrolizing” акциядорлик жамияти ижроия органи – Бошқарув тўғрисидаги Низом”га мувофиқ ўз вазифасини бажарганлиги учун Жамият Бошқарув аъзоларига бир йўла тўланадиган бонус – 250 000 000 сўм;
- “О‘zagrolizing” акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низом мувофиқ Кузатув кенгаши котибига – 45 000 000 сўм;
- Акцияларни капитализация қилиш орқали активлар учун эҳтимолий йўқотишларга қарши захира шакллантиришга – 8 585 242 155,13 сўм.

Дивидендларни тўлаш шакли пул ўтказиш йўли ва нақд пул билан тўлаш.

Жамиятнинг оддий акциялари бўйича ҳар бир донаси учун 25 сўм 35 тийиндан, номинал қийматнинг 1,0% миқдорида.

Жамият уставининг 48-бандига асосан, жамиятнинг имтиёзли акциялари бўйича ҳар бир донаси учун 633,75 сўмдан, номинал қийматнинг 25% миқдорида дивиденд тўлови амалга ошириш.

Шунингдек, амалдаги қонун талабларига кўра дивидендларни тўлаш чоғида биринчи навбатда имтиёзли акциялар бўйича, сўнгра оддий акциялар бўйича дивидендлар тўланиши лозимлиги таъкидланди.

Бундан ташқари, жамият томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш акциядорларнинг дивидендларни олишга бўлган тенг

ҳуқуқларига риоя этилган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Дивиденд тўлаш бошланадиган сана 2025 йилнинг 14 июлидан ва тугаш санаси 2025 йилнинг 11 августи қилиб белгиланган тавсия этилган.

Умумий йиғилиш раиси томонидан мажлис иштирокчиларидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш йўли билан ўз муносабатларини билдиришни сўралди.

## **8. Жамиятда ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини эшитиш.**

Жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими бошлиғи А.Норбоев ушбу масала бўйича сўзга чиқиб, қўйидагиларни маълум қилди.

Жамият акциядорларнинг 2016 йил 28 майда ўтказилган йиллик умумий йиғилиши баёни қарори асосида жамиятда “Корпоратив бошқарув кодекси” тавсияларига риоя этиш мажбуриятини олиш тўғрисида қарор қабул қилинган.

“Корпоратив бошқарув кодекси”нинг 33-модасида, жамиятда корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолашни йилига камида бир марта ўтказилиши белгиланган.

Мазкур Кодекс талаби асосида жамиятда корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ва Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази томонидан 2016 йил 25 июлда тасдиқланган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни амалга ошириш бўйича саволнома асосида “WINVESTMENT CONSULT” МЧЖ томонидан ўтказилган ва корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларига кўра, “O‘zagrolizing” АЖ фаолият самарадорлиги **822 баллга** эга бўлиб, ушбу кўрсаткич “**юқори**” деб эътироф этилган.

Акциядорлар томонидан жамият корпоратив бошқарув тизимини юқори даражага кўтариш учун баҳолашда паст балл олган йўналишларга эътибор қаратиш ва камчиликларни бартараф этиш орқали юқори балларга эришиш мумкинлиги таъкидланди ва керакли тавсия ва кўрсатмалар берилди.

Умумий йиғилиш раиси томонидан мажлис иштирокчиларидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш йўли билан ўз муносабатларини билдириш сўралди.

## **9. Жамият томонидан мазкур жамиятнинг аффилиланган шахслари билан келгусида тузиладиган битимларини тасдиқлаш.**

Мазкур масала бўйича жамиятнинг юридик бўлим бошлиғи Э.Алламов сўзга чиқиб, қўйидагиларни маъруза қилди.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 88-моддасига мувофиқ, ижроия органи ва ички аудит хизмати аффилиланган шахслар билан тузиладиган битимларни ўрганиб чиқиб ёзма равишда баённома тузиши ва Кузатув кенгашига тақдим этилиши белгиланган.

Ўз навбатида Кузатув кенгаши 15 кун муддатда ушбу битимларни ўрганиб, уни тузишга рухсат беради. Шу тариқа, аффилиланган шахслар билан шартнома тузиш масаласини Кузатув кенгашидан ўтказишга камида 20-25 кун вақт сарф этилади.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 88-моддаси саккизинчи қисмида, ... *акциядорларнинг умумий йиғилиши аффилиланган шахс билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимни (битимларни) маъқуллаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли эканлиги белгиланган.*

Юқорида баён этилган ҳолатлардан келиб чиқиб, жамиятнинг 2025 йил учун тасдиқланган “Бизнес режаси” параметрларини ҳамда Ҳукумат томонидан берилган топшириқлар ижросини тезкор равишда таъминлаш ва лизинг лойиҳаларини ўз муддатида молиялаштириш орқали техникаларни лизинг олувчиларга ўз вақтида етказиб берилишини ташкил этиш мақсадида, жамият томонидан мазкур жамиятнинг аффилиланган шахслари билан келгусида тузиладиган битимларни тасдиқлаш масаласида қарор қабул қилиш Акциядорлар умумий йиғилиши ваколати эканлигини билдирди.

Умумий йиғилиш раиси томонидан мажлис иштирокчиларидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш йўли билан ўз муносабатларини билдириш сўралди.

#### **10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 февралдаги ПҚ-67-сонли қарори доирасида тузиладиган йирик битимларни тасдиқлаш.**

Жамиятнинг молиявий иқтисодий таҳлил бўлими бошлиғи Э.Қурбонов ушбу масала бўйича сўзга чиқиб, қўйидагиларни маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 февралдаги ПҚ-67-сонли “2025 йил ҳосили пахта хом-ашёсини машиналарда териб олишни таъминлаш чоратadbирлари тўғрисида”ги қарорига кўра, Қишлоқ хўжалигини тизимли равишда замонавий техника билан таъминлаш орқали соҳада самарадорлик ва рақобатбардошликни ошириш ҳамда қишлоқ хўжалиги техникаларини рақобатбардош нархларда харид қилиш мақсадида 2025 йилда замонавий пахта териш комбайнларини ҳудудлар кесимида етказиб бериш бўйича таклифлари маъқулланган.

Мазкур қарорда 800 та пахта териш комбайнлари “O‘zagrolizing” АЖ орқали келтирилиши кўзда тутилган.

Шунингдек қарорда Жаҳон банкининг “Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш” лойиҳаси доирасида тайёр боғ ва кичик агрологистика лойиҳалари учун кўзда тутилган **130 миллион АҚШ доллари миқдоридаги** маблағни замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари харидини молиялаштиришга йўналтириш масаласини Жаҳон банки билан келишган ҳолда қарз битимига тегишли ўзгартиришлар киритиш вазифаси юклатилган.

Жамиятнинг 2025 йил 1-чорак яқунлари бўйича молиявий хўжалик фаолияти натижаларига кўра, соф активлари **463 496 887,4 минг** сўмни ташкил этади.

Қарор доирасида жалб қилиниши кўзда тутилаётган маблағлар ҳамда пахта териш комбайнларини келтириш бўйича тузиладиган шартнома ва келишувлар жамият соф активларининг **50 фоиздан юқорини** ташкил этаётгани сабабли ушбу масала жамият акциядорлари умумий йиғилиши ваколатига кириши таъкидланди.

Умумий йиғилиш раиси томонидан мажлис иштирокчиларидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш йўли билан ўз муносабатларини билдириш сўралди.

#### **11. “O‘zagrolizing” акциядорлик жамияти Устави янги тахририни тасдиқлаш.**

Кун тартибидаги масала бўйича жамият акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими бошлиғи А.Норбоев сўз олиб, Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2025 йил 14 апрелдаги 02/09-2-17/1111-сонли хати билан кузатув кенгаши ваколатларини ва кузатув кенгаши аъзолари масъулиятини “Давлат иштирокидаги корхоналар учун корпоратив бошқарув қоидалари” доирасида кенгайтириш орқали жамият уставига тегишли ўзгартиришлар киритиш сўралганини билдирди.

Мазкур топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида ижро органи томонидан

жамият Уставининг янги таҳрирдаги лойиҳаси ишлаб чиқилиб, кузатув кенгаши томонидан маъқуллангани ва тасдиқлаш учун акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига киритилгани маълум қилинди (*Устав лойиҳаси илова қилинади*).

Умумий йиғилиш раиси томонидан мажлис иштирокчиларидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш йўли билан ўз муносабатларини билдириш сўралди.

## **12. “O‘zagrolizing” акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низомни янги таҳририни тасдиқлаш.**

Кун тартибидаги масала бўйича жамият акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими бошлиғи А.Норбоев сўз олиб, Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2025 йил 14 апрелдаги 02/09-2-17/1111-сонли хати билан кузатув кенгаши ваколатларини ва кузатув кенгаши аъзолари масъулиятини “Давлат иштирокидаги корхоналар учун корпоратив бошқарув қоидалари” доирасида кенгайтириш орқали Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низомга тегишли ўзгартиришлар киритиш сўралганини билдирди.

Мазкур топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида ижро органи томонидан Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низомнинг янги таҳрирдаги лойиҳаси ишлаб чиқилиб, кузатув кенгаши томонидан маъқуллангани ва тасдиқлаш учун акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига киритилгани маълум қилинди (*Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низом илова қилинади*).

Умумий йиғилиш раиси томонидан мажлис иштирокчиларидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш йўли билан ўз муносабатларини билдириш сўралди.

## **13. “O‘zagrolizing” акциядорлик жамияти ижроия органи – Бошқарув тўғрисидаги Низомни янги таҳририни тасдиқлаш.**

Кун тартибидаги масала бўйича жамият акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими бошлиғи А.Норбоев сўз олиб, Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2024 йил 16 августдаги 01/09-3-21-17/906хдфу-сонли кўрсатма хатида кузатув кенгаши ва унинг мустақил аъзолари ҳамда ижро органи аъзоларига ҳақ тўлашни тартибга солувчи ички меъёрий ҳужжат (низомлар)га Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 31 июлдаги 464-сонли ХДФУ қарори талабларидан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ва тегишли бошқарув органи томонидан тасдиқланишини ташкиллаштириш сўралганлиги ва жамият акциядорларининг 2024 йил 25 декабрдаги навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарори билан янги таҳрирдаги “O‘zagrolizing” акциядорлик жамияти ижроия органи – Бошқарув тўғрисидаги Низом тасдиқланганини билдирди.

Мазкур Низомнинг 52-банди 2-хатбошида “Шунингдек, Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (КПИ) бажарилишидан келиб чиқиб, молиявий йил натижаларига кўра бошқарув аъзоларига ойлик иш ҳаққининг 2 бараварига тенг миқдорда қўшимча мукофотланиши мумкин” деб кўрсатилган. Бироқ, 53-бандида “Мукофот пуллари суммаси Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарори билан соф фойдани тақсимлаш масаласини кўриб чиқишда тасдиқланади” деган жумла билан боғланиб қолгани таъкидланди.

Юқоридаги ноаниқликни бартараф этиш мақсадида Низомнинг 52-банди 2-хатбошини “Мукофот пуллари суммаси Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарори билан соф фойдани тақсимлаш масаласини кўриб чиқишда тасдиқланади” жумласига ўзгартириш ва 53-бандини “Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (КПИ) бажарилишидан келиб чиқиб, молиявий йил натижаларига кўра

бошқарув аъзоларига ойлик иш ҳаққининг 2 бараварига тенг миқдорда Кузатув кенгашининг қарори билан қўшимча мукофотланиши мумкин” сўзларига ўзгартириш таклиф қилинган ва акциядорлар умумий йиғилиши муҳокамасига киритилган (*ижроия органи – Бошқарув тўғрисидаги Низом илова қилинади*).

Умумий йиғилиш раиси томонидан мажлис иштирокчиларидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш йўли билан ўз муносабатларини билдириш сўралди.

Умумий йиғилиш раиси М.Шарипова умумий йиғилиш кун тартибидаги масалаларнинг ниҳоясига етганлиги муносабати билан овоз бериш натижаларини ҳисоблаб чиқиш учун бюллетенларни Саноқ комиссиясига топширишни ва натижаларини сўради.

Овоз бериш натижалари бўйича Саноқ комиссияси раиси Д.Қурбонбоев умумий йиғилишга қўйидагиларни эълон қилди:

Саноқ комиссиясининг 2025 йил 12 июндаги 3-сонли баённомасига асосан овоз берувчи акция эгаларига 3 дона бюллетен тарқатилди ва 3 дона бюллетен йиғиб олинди.

Бюллетенга киритилган масалалар бўйича қўйидагича овоз олинди:

1. Саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.

*Овоз бериш натижалари:*

Ёқлаганлар – 397 567 705 дона акциялар (100%), қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

2. Акциядорлар умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.

*Овоз бериш натижалари:*

Ёқлаганлар – 397 567 705 дона акциялар (100%), қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

3. Жамиятнинг 2024 йил молия-хўжалик фаолияти натижалари бўйича ҳамда жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича қўрилаётган чоратadbирлар тўғрисидаги Бошқарув раисининг ҳисоботини тасдиқлаш.

*Овоз бериш натижалари:*

Ёқлаганлар – 397 567 705 дона акциялар (100%), қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

4. Жамият Кузатув кенгашининг 2024 йилдаги фаолияти бўйича кузатув кенгаши раисининг ҳисоботини тасдиқлаш.

*Овоз бериш натижалари:*

Ёқлаганлар – 397 567 705 дона акциялар (100%), қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

5. Жамиятнинг 2024 йил фаолияти натижалари бўйича ташқи аудиторлик ташкилотининг хулосасини эшитиш ва тасдиқлаш.

*Овоз бериш натижалари:*

Ёқлаганлар – 397 567 705 дона акциялар (100%), қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

6. Жамиятнинг 2024 йил учун йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.

*Овоз бериш натижалари:*

Ёқлаганлар – 397 567 705 дона акциялар (100%), қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

7. Жамиятнинг 2024 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш. Дивидендлар миқдорини, уни тўлаш шакли, муддати ва тартибини белгилаш.

7.1. Захира фондига – 1 003 184 217,64 сўм.

*Овоз бериш натижалари:*

Ёқлаганлар – 397 567 705 дона акциялар (100%), қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

7.2. - овоз берувчи оддий акцияларга дивиденд учун – 10 167 582 980,1 сўм;

- имтиёзли акцияларга дивиденд учун – 12 675 000,0 сўм.

Дивидендларни тўлаш шакли пул ўтказиш йўли ва нақд пул билан тўланади.

Жамиятнинг оддий акциялари бўйича ҳар бир донаси учун 25 сўм 35 тийиндан (номинал қийматнинг 1,0%).

Жамият уставининг 48-бандига асосан, жамиятнинг имтиёзли акциялари бўйича ҳар бир донаси учун 633,75 сўмдан (номинал қийматнинг 25%) дивиденд тўлови амалга оширилсин.

*Овоз бериш натижалари:*

Ёқлаганлар – 397 567 705 дона акциялар (100%), қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

7.3. “O‘zagrolizing” акциядорлик жамияти ижроия органи – Бошқарув тўғрисидаги Низом”га мувофиқ ўз вазифасини бажарганлиги учун Жамият Бошқарув аъзоларига бир йўла тўланадиган бонус – 250 000 000 сўм.

*Овоз бериш натижалари:*

Ёқлаганлар – 165 741 дона акциялар (0,04%), қаршилар – 397 401 964 (99,96%), бетарафлар – йўқ.

7.4. “O‘zagrolizing” акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низомга мувофиқ Кузатув кенгаши котибига – 45 000 000 сўм.

*Овоз бериш натижалари:*

Ёқлаганлар – 165 741 дона акциялар (0,04%), қаршилар – 397 401 964 (99,96%), бетарафлар – йўқ.

7.5. Акцияларни капитализация қилиш орқали активлар учун эҳтимолий йўқотишларга қарши захира шакллантиришга – 8 585 242 155,13 сўм.

*Овоз бериш натижалари:*

Ёқлаганлар – 397 567 705 дона акциялар (100%), қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

8. Жамиятда ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини эшитиш.

*Овоз бериш натижалари:*

Ёқлаганлар – 397 567 705 дона акциялар (100%), қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

9. Жамият томонидан мазкур жамиятнинг аффилиланган шахслари билан келгусида тузиладиган битимларини тасдиқлаш.

*Овоз бериш натижалари:*

Ёқлаганлар – 397 567 705 дона акциялар (100%), қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 февралдаги ПҚ-67-сонли қарори доирасида тузиладиган йирик битимларни тасдиқлаш.

*Овоз бериш натижалари:*

Ёқлаганлар – 397 567 705 дона акциялар (100%), қаршилар – йўқ, бетарафлар –

йўқ.

11. “O‘zagrolizing” акциядорлик жамияти Устави янги таҳририни тасдиқлаш.

*Овоз бериш натижалари*

Ёқлаганлар – 397 567 705 дона акциялар (100%), қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

12. “O‘zagrolizing” акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низомни янги таҳририни тасдиқлаш.

*Овоз бериш натижалари:*

Ёқлаганлар – 397 567 705 дона акциялар (100%), қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

13. “O‘zagrolizing” акциядорлик жамияти ижроия органи – Бошқарув тўғрисидаги Низомни янги таҳририни тасдиқлаш.

*Овоз бериш натижалари:*

Ёқлаганлар – 397 567 705 дона акциялар (100%), қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

Кун тартиби 7-масаласининг 7.5.-банди юзасидан акцияларни капитализация қилиш орқали активлар учун эҳтимолий йўқотишларга қарши заҳира шакллантиришга – 8 880 242 155,13 сўм маблағ йўналтириш таклиф этилди ҳамда бу таклиф бир овоздан маъқулланди.

Санок комиссияси раиси эълон қилган маълумот умумий йиғилиш томонидан маълумот учун қабул қилинди (Санок комиссиясининг баённомалари иловада берилмоқда).

### **“O‘zagrolizing” акциядорлик жамияти акциядорларининг йиллик Умумий йиғилиши ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Санок комиссияси миқдор таркиби 3 кишидан, аъзолари эса Қурбонбоев Дилшод Мақсудбекович, Мирсаидова Манзура Муроджон қизи ҳамда Абдукаримов Абдулла Абдумавлоновичлардан иборат этиб тасдиқлансин.

2. Акциядорлар умумий йиғилиши Регламенти тасдиқлансин ва унга мувофиқ:

Кун тартибидаги масалалари бўйича сўзга чиқувчилар учун - ҳар бирига 5 дақиқадан;

музокарага чиқувчилар учун - ҳар бирига 5 дақиқадан;

овоз бериш натижаларини ҳисоблаб чиқиш ва эълон қилишга - 10 дақиқа;

Умумий йиғилиш қарорини ўқиб эшиттириш ва қабул қилишга - 10 дақиқа регламент белгилансин.

3. Жамиятнинг 2024 йил молия-хўжалик фаолияти натижалари бўйича ҳамда жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги Бошқарув раисининг ҳисоботи тасдиқлансин.

4. Жамият Кузатув кенгашининг 2024 йилдаги фаолияти бўйича Кузатув кенгаши раисининг ҳисоботи тасдиқлансин.

5. Жамиятнинг 2024 йил фаолияти натижалари бўйича ташқи аудиторлик ташкилотининг хулосаси тасдиқлансин.

6. Жамиятнинг 2024 йил учун йиллик ҳисоботи тасдиқлансин.

7. “O‘zagrolizing” АЖнинг 2024 йил якуни бўйича олинган 20 063 684 352,87 сўм соф фойдаси қуйидагича тақсимлансин:

- Захира фондига – 1 003 184 217,64 сўм;

- Овоз берувчи оддий акцияларга дивиденд учун – 10 167 582 980,1 сўм;

- Имтиёзли акцияларга дивиденд учун – 12 675 000,0 сўм;

- Акцияларни капитализация қилиш орқали активлар учун эҳтимолий йўқотишларга қарши захира шакллантиришга – 8 880 242 155,13 сўм.

7.1. Дивидендларни тўлаш шакли пул ўтказиш ва нақд пул билан тўлаш йўли билан амалга оширилсин;

Жамиятнинг оддий акциялари бўйича ҳар бир донаси учун 25 сўм 35 тийиндан (номинал қийматнинг 1,0%);

Жамият уставининг 48-бандига асосан, жамиятнинг имтиёзли акциялари бўйича ҳар бир донаси учун 633 сўм 75 тийиндан (номинал қийматнинг 25%) миқдорида дивиденд тўлови амалга оширилсин.

Шунингдек, амалдаги қонун талабларига кўра дивидендларни тўлаш чоғида биринчи навбатда имтиёзли акциялар бўйича, сўнгра оддий акциялар бўйича дивидендлар тўлаш.

Бундан ташқари, жамият томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш акциядорларнинг дивидендларни олишга бўлган тенг ҳуқуқларига риоя этилган ҳолда амалга ошириш.

Дивиденд тўлаш бошланадиган сана 2025 йилнинг 14 июлидан ва тугаш санаси 2025 йилнинг 11 августи қилиб белгилансин.

8. Жамиятда “WINVESTMENT CONSULT” МЧЖ томонидан ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижалари **822 балл** ва ушбу кўрсаткич “**юқори**” деб эътироф этилгани маълумот учун қабул қилинсин ва тасдиқлансин.

9. Жамият томонидан мазкур жамиятнинг аффилиланган шахслари билан келгусида тузиладиган битимлари тасдиқлансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 февралдаги ПҚ-67-сонли қарори доирасида тузиладиган йирик битимлар тасдиқлансин.

11. “O‘zagrolizing” акциядорлик жамияти Устави янги таҳрирда иловага мувофиқ тасдиқлансин.

12. “O‘zagrolizing” акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши тўғрисидаги Низом” иловага мувофиқ янги таҳрирда тасдиқлансин.

13. “O‘zagrolizing” акциядорлик жамияти ижроия органи – Бошқарув тўғрисидаги Низом” иловага мувофиқ янги таҳрирда тасдиқлансин.

Кузатув кенгаши аъзоси,  
Умумий йиғилиш Раиси

Умумий йиғилиш котиби



М.Шарипова

Б. Валиев

Баён тузилган сана: 2025 йил «17» июнь